ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ

DSc 30.05.2018 FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

МУХТАРОВ ЗИЯДУЛЛА ЭРГАШЕВИЧ

ТУРЛИ ТАБИАТЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ИККИЛАМЧИ МАНФИЙ ИОН ЭМИССИЯСИНИ ИШҚОРИЙ МЕТАЛЛАР ИОНЛАРИ ИМПЛАНТАЦИЯСИ ВА ҚИЗДИРИШ БИЛАН СТИМУЛЛАШТИРИШ

01.04.04 – Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК 535.371:535.016:538.975

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences)

Мухтаров Зиядулла Эргашевич
Турли табиатли материалларнинг иккиламчи манфий ион эмиссиясини ишқорий металлар ионлари имплантацияси ва қиздириш билан стимуллаштириш……..... 3

Мухтаров Зиядулла Эргашевич
Стимулирование вторичной отрицательной ионной эмиссии материалов различной природы имплантацией ионов щелочных металлов и нагревом …… 20

Mukhtarov Ziyadulla Ergashevich
Stimulation of secondary negative ion emission different nature by implantation of alkaline metal ions and heating …… 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ

List of published works……..... 42

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ

DSc 30.05.2018 FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

МУХТАРОВ ЗИЯДУЛЛА ЭРГАШЕВИЧ

ТУРЛИ ТАБИАТЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ИККИЛАМЧИ МАНФИЙ ИОН ЭМИССИЯСИНИ ИШҚОРИЙ МЕТАЛЛАР ИОНЛАРИ ИМПЛАНТАЦИЯСИ ВА ҚИЗДИРИШ БИЛАН СТИМУЛЛАШТИРИШ

01.04.04 – Физик электроника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM67 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iplt.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Исаханов Зинаобидин Абилпейзович** физика-математика фанлари доктори.
Расмий опоннентлар:	**Ташмухаммедова Дилноза Артикбаевна** физика-математика фанлари доктори, проф.
	Максимов Сергей Евлантиевич физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, email: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Х.Б.Ашуров,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Т.Усманов,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Б.Е.Умирзаков,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда турли табиатли материалларнинг юза ва ҳажмини таҳлил қилиш учун иккиламчи ион масс-спектрометрия кенг қўлланилмоқда. Маълумки, сиртни ионлар билан бомбардимон қилганда, эмиссияланган нейтрал зарралар зарядли зарраларга нисбатан 10^2-10^4 тартибига қадар кўпдир. Шунинг учун иккиламчи ионлар эмиссиясини (ИИЭ) кучайтириш ҳамда бу усулнинг сезгирлигини ошириш мақсадида ҳар хил кучайтириш (стимуллаш) усуллари қўлланилади. Масалан, иккиламчи мусбат ионлар эмиссиясини кучайтириш учун, бомбардимон қилинадиган қаттиқ жисм сиртига ҳар хил элементларнинг электроманфий атомлари масалан, хусусий ҳолларда кислород ёки йод ўтқазилади. Иккиламчи манфий ионлар эмиссиясини (ИМИЭ) кучайтириш учун эса ҳар хил моддаларнинг электромусбат ионлари, масалан хусусий ҳолларда ишқорий металлар атомлари ўтқазилади.

Ҳозирги кунда дунёнинг нуфузли илмий марказларида юқорида келтирилган иккиламчи мусбат ион эмиссиясини стимуллаш усулини худди шундай ИМИЭсида ҳам қўлланилишига катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ тадқиқот давомида етарли натижалар олиш учун зарур бўлган сиртни активлаштирувчи атомлар билан сиртнинг қопланиш даражасини доимий сақлашда муаммолар вужудга келади. Иккиламчи ионлар масс-спектрометрия (ИИМС) усулини рўёбга чиқариш учун нишон сирти ионлар дастаси билан бомбардимон қилинади ва бир қисм атомлар адсорбцияланган қатламдан чанглатилинади ҳамда сиртдан учиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда қаттиқ жисм юзаси физикаси йўналишида долзарб муаммолардан бирига айланган микро- ва наноэлектроника учун материалларнинг миқдорий таҳлили ва киришмали таркибининг ўрганилиши билан боғлиқ жадал илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Унинг учун охирги вақтларда, ионлар оқими билан бомбардимон қилиш давомида атом-активаторларни сиртга узлуксиз ўтқазиш усуллари ва йўллари ишлаб чиқилди. Бироқ ушбу холларда ҳам сиртнинг чиқиш иши доимийлигини таъминлайдиган сиртнинг қопланиш даражасини бир хил сақлаш муаммолидир. Бунинг учун тажриба давомида қаттиқ жисм сиртига газ-активаторларни юбориш ускуналари зарур. Бундан ташқари, ушбу усулни қўллашда қаттиқ жисм сиртига юборилаётган газ-активатор оқими ва уларнинг ионлар билан бомбардимон қилиш жараёнида қайта учишини баҳолаш учун мураккаб ҳисоблашлар ўтказиш зарурдир. Ушбу ҳисоблашлар бомбардимон қилувчи ионлар дастаси ва сиртга тушаётган газ-активатор оқими параметрлари ёрдамида амалга оширилади. Аёнки, тажриба давомида ушбу параметрлар доимийлигини сақлаш жуда мураккаб, кўп ҳолларда бунинг иложи йўқдир. Шунинг учун, манфий ионлар масс-спектрларини олишда тадқиқ қилинадиган намуналарнинг чиқиш ишини минимал ҳолатга келтириш ва стабил сақлаш имконини берадиган усулларни

ишлаб чиқиш замонавий электрон материалшуносликнинг **долзарб** муаммоларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг: III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» ва II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сиртнинг чиқиш ишини камайтириш усули билан ИИМС сезгирлигини ошириш бўйича тадқиқотлар 50 йилдан кўпроқ вақт давомида олиб борилмоқда. Тадқиқотчиларнинг фан соҳасининг ушбу йўналишига бўлган қизиқиши материалларнинг элемент таркиби, структураси ва физикавий параметрларини ўрганиш билан боғланган. Сиртнинг чиқиш ишини камайтириш бўйича тадқиқотлар (1970–1980 йй.) ЎзРФА Электроника институтининг “Ионли чанглатиш” лабораториясида А.Х.Аюханов ва унинг шогирдлари билан амалга оширилган. Ушбу ишларни Электроника институти профессор олимлари А.А. Алиев, Н.Х. Джемилев бошчилигида давом эттирилди. Шунингдек чет эл олимлари М. Пруттон, Г. Слодзиан, М.Л. Йу, Бернхеим ва бошқалар ушбу ҳодисанинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида кенг маълумотлар берди ва улар асосида ушбу ҳодисанинг қонуниятлари ва қўлланилишга тегишли бўлган қатор хулосалар қилинди. Ушбу ишларда чиқиш ишини (еφ) камайтириш учун дастлаб сиртга электромусбат бўлган атомларни ўтқазиш усулидан фойдаланилган. Шу каби тадқиқотларнинг кейинги босқичи ишқорий металлар билан сиртни бомбардимон қилинганда ва бомбардимон қилинувчи сиртнинг металл атомлари билан қопланиш даражаси тахминан бир моноқатлам ҳосил қилинганда олинган масс-спектрлар натижаларидир. Минимал чиқиш ишининг доимийлик вақтини ошириш учун ушбу ишда ишқорий металларни қаттиқ жисмнинг сирт ости қатламига имплантация қилиш ҳамда уни қиздириш йўли билан ИМИЭни кучайтиришга асосланган янги усулдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг илмий-тадқиқот режалари бўйича қўйидаги лойиҳалар

доирасида бажарилган: №Ф-2-1-64 “Қаттиқ жисмларни ионлар билан бомбардимон қилганда оже-спектрларнинг шаклланиш механизмларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш” (2003–2007), №ФА–Ф2–Ф102 “Ион ва электронларнинг ҳар хил модификацияга эга бўлган қаттиқ жисмдан ўтганда энергия йўқотишининг ориентацияга боғлиқлиги” (2007–2011), №Ф2–ФА–Ф161 “Эркин юпқа пленкалар (Al, Cu, Ag, Cu-Si) ва массив кристаллар (W, WO_n, TiN, CdTe, SiO_2) юзасида ион имплантацияси усули билан ҳосил қилинган наноўлчамли гетероструктураларнинг шаклланиш механизмлари ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш” (2012–2016) ва №ОТ–Ф3–13 «Кремний-силицид-металл эркин кўп қатламли нанопленкаларининг ҳосил бўлиш механизми ва уларнинг электрон ва кристалл структураларини ўрганиш» (2017 – 2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қаттиқ жисм сирт ости қатламларида ишқорий металлар ионларини имплантация қилиш ва қиздириш билан иккиламчи манфий ион эмиссиясини стимуллаштиришнинг эффектив усулларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилинаётган намуналар сиртининг элемент таркибини ярим миқдорий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экспериментал ИИМС қурилмасини чангланган мусбат ва манфий ионлар спектрларини замонавий талаблар асосида масс-спектрометрик таҳлил қилиш учун такомиллаштириш ва модернизация қилиш;

ҳар хил табиатли материаллар (металлар Cu, Al, Mo, W, яримўтказгич Si ва диэлектрик SiO_2, WO_2) сирти Cs^+ ионлари билан чанглатилганда ҳосил бўладиган мусбат ва манфий зарралар масс-спектрларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини бир хил шароитда аниқлаш;

ишқорий металлар ионларини имплантация қилиш ва кейинги қиздиришга асосланиб ИМИЭ стимуллаштиришнинг ионлар типи ва оптимал режимини (ионлар энергияси ва дозаси, қиздириш температураси) аниқлаш;

чанглатилган манфий ион зарралари чўққилари интенсивлиги ошиши ва қиздириш температураси орасидаги боғлиқликни ўрнатиш. Чанглатилган зарраларнинг максимал ионланиш содир бўладиган жараёнда еф нинг энг кичик қийматини аниқлаш;

стандарт ва саноат намуналари таркибидаги киришма атомларнинг тақсимотини профил ҳамда чуқурлик бўйича ўрганиш. ИМИЭ стимуллаштириш усулини сирт таркибини ярим миқдорий анализ қилиш учун қўллаш. Олинган маълумотларни ЭОС натижалари билан таққослаш;

Тадқиқотнинг объекти Cu, Al, Mo, W, WO_2, Si, Si-Me ларининг стандарт ва саноат намуналари, SiO_2 қатламларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети тадқиқот қилинадиган намуналар сиртининг минимал ва стабил чиқиш ишини, шунингдек чанглатиладиган мусбат ва манфий ионлар масс-спектрларининг шаклланиш қонуниятларини олишга имкон берадиган ИИМС усулининг сезгирлигини ошириш мақсадида иккиламчи манфий ион эмиссиясини стимуллаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Мусбат ва манфий иккиламчи ион масс-спектрометрияси, электрон Оже-спектроскопияси (ЭОС).

Тақиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қаттиқ жисм сирт ости қатламига электромусбат металл ионларини имплантация қилиш ва кейинги қиздиришга асосланган иккиламчи манфий ионлар эмиссиясини стимуллаштиришнинг эффектив усули яратилган. Бир хил шароитда манфий ионлар ИИМСси мусбат ионлар ИИМСсига нисбатан ўрганилаётган материаллар киришма атомлари таркиби тўғрисида кўпроқ маълумот олишга имкон бериши аниқланган;

сирт чиқиш ишининг еφ максимал камайиши ва манфий ионлар максимал чиқишига олиб келадиган ионлар имплантация ва қиздиришнинг оптимал шароитлари ўрнатилган. Сирт чиқиш иши еφ=1.9÷2 эВ қийматларида барча элемент пикларининг интенсивлиги максимал даражага етиши кўрсатилган;

сирт қатламларидан эмитирланган манфий ионлар концентрацияси ва чиқиш иши ўзгариши орасидаги ўзаро боғлиқлик қонунияти аниқланган. Шу жумладан, E_0=15-20 кэВ энергияли Cs^+ ионлар билан имплантация қилинган Мо вакуумда қиздирилганда чиқиш иши 1.9 эВ гача, кислород атмосферасида қиздирилганда эса 1.8 эВ гача камайиши кўрсатилган;

ИМИЭ стимуллаштириш усулидан фойдаланган ҳолда ҳар хил табиатли стандарт ва саноат материалларининг юзаси элементар ва кимёвий таркибининг концентрациявий миқдори аниқланган. ИМИЭ стимуллаштириш ИИМС ва ЭОС усуллари билан аниқлаб бўлмайдиган қатор киришма атомларини аниқлашга имкон бериши кўрсатилган;

саноат намуналари атомларининг чуқурлик бўйича концентрациявий тақсимоти профили олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таклиф қилинаётган қаттиқ жисм сирт қатламига ишқорий металлар ионларини имплантация қилиш ва кейинги қиздириш билан манфий иккиламчи ион эмиссиясини стимуллаштириш усули киришма атомларининг миқдорини 0,0001 ат.% гача аниқликда аниқлашга имкон беради;

ионларни имплантация қилиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар амалий жиҳатдан электрон асбоблар саноатида қўлланиладиган яримўтказгич-диэлектрик-яримўтказгич ва металл-диэлектрик-яримўтказгич каби юпқа қатламли структураларни ишлаб чиқишда муҳимдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий таҳлилий спектроскопия усуллари ва физик электроника ёндашувларини қўллаш билан асосланган. Экспериментал шароитлар чуқур таҳлил қилинган, юқори аниқликдаги ўлчаш асбоблари қўлланилган, тажриба натижалари статистик йўл билан ўта юқори аниқликда ҳисоблаб чиқилган. Натижа ва хулосалар зарядланган зарраларнинг кристаллар билан ўзаро таъсирлашувининг физикавий механизмларига бағишланган замонавий назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари базасига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ишлаб чиқилган ИМИЭ стимуллаштириш усули микро-опто- ва наноэлектроникада қўлланиладиган ҳар хил табиатли материалларнинг элементар таркибини юқори даражада аниқлашда қўлланилиши мумкин. Зарядланган манфий зарраларни стимуллаштиришга қаратилган янги ёндашув, қаттиқ жисм сирти ионлар билан бомбардимон қилинганда пайдо бўладиган зарядланган ва нейтрал зарраларнинг чангланиш назариясига муҳим ҳисса қўшади.

Модернизация қилинган қурилма ва таклиф қилинаётган атомлар концентрациясини баҳолаш усулини ҳар хил саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган материалларни сертификациялашда қўллаш учун жуда истиқболлидир. Сирт ва сирт ости қатламининг элементар таркибини аниқлаш бўйича олинган натижалари “Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати” очиқ акциядорлик жамияти, “Ўзкабел” давлат акциядорлик жамияти, “Олмалиқ тоғ металлургия комбинати” каби корхоналарида ишлаб чиқариладиган Cu, Al, W ва Mo катанкалари сифатини яхшилашда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши.

Материалларнинг сирт қатламларига актив металл ионларини имплантация қилиш орқали иккиламчи манфий ион эмиссиясини стимуллаштиришнинг самарали усулини қўллаш асосида:

– стимуллаш усулида юзани минимал чиқиш ишини турғун ҳолатда ушлаб туришни таъминлашда ИМИЭ ни стимуллаштириш учун олдиндан ишқорий металл ионларини имплантация қилиш ва кейинги қиздириш ионлар тури, энергияси, дозаси ва қиздириш температурасига боғлиқлиги бўйича олинган тажриба натижалари хорижий журналларда қаттиқ жисм юза ва юза ости қатламларида жуда кам киришма атомларининг концентрациясини аниқлашда (Applied physics 118, 073303 (2015), IF: 2.101; Technical Physics, 2015, V.60, № 4, pp. 621-623, IF: 0.702”, “Docteur en sciences de L'UNIVERSITE Paris XI, Orsay, Yang XIANG, 2012” ва бошқалар) фойдаланилган. Бу натижалардан фойдаланиш орқали турли табиатли материалларнинг юза ва юзаости қатламларида жуда кам киришма атомларининг концентрациясини (0,0001 ат.%) аниқлаш имконини берган;

– сиртнинг чиқиш ишини камайтириш ва бу туфайли сиртдан манфий ионларнинг эмиссиясини стимуллаштириш ва намуналарнинг элементар таркибини миқдорий таҳлил қилиш бўйича олинган натижалар қуйидаги лойиҳада кластер ионларини дастасини олиш ҳамда ҳар хил материалларда атомларнинг чуқурлик бўйича тақсимотини ўрганишда фойдаланилган: № ФА-Ф2-Ф162 «Кўп атомли зарраларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири» (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 14 мартдаги №2/1255-728 маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш иккиланган масс-спектрометрда 4-20 кэВ энергияли тезликдаги зарраларнинг сирт билан ўзаро таъсирида рўй берадиган иккиламчи жараёнлар, “молекуляр” эффектлар, яъни кластерлар билан бомбардимон қилингандаги

иккиламчи ночизиқли ноаддитив жараёнларни тадқиқ қилишда бомбардимон қилиш учун ишлатиладиган $Au_m^-(m=1-9)$, $Si_m^-(m=1-6)$, $C_m^-(m=1-12)$, $Bi_m^-(m=1-10)$ каби кластер ионларининг дастасини олиш ҳамда тадқиқ қилинаётган материалларда атомларнинг чуқурлик бўйича тақсимотини ўрганиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 15 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, 46 та расм, 9 та жадвалдан иборат. Диссертация матни 134 бетда келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ва муаммонинг ўрганилиш даражаси кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича қисқа маълумотлар ва ишлар апробацияси, шунингдек диссертация ҳажми ва структураси келтирилган.

Биринчи бобда **«ИИМС сезгирлигини ошириш ва ушбу усулни қаттиқ жисм сирти элементар таркибини миқдорий анализ бўйича экспериментал ва назарий тадқиқотлар шарҳи»** келтирилган. Адабиётлар шарҳи, ушбу мақсадлар учун айни пайтда бир неча усуллар қўлланилишини кўрсатди.

Миқдорий анализ қилишнинг усулларидан бири, бу эталон намуналардан фойдаланиш. Бироқ ушбу усул қатор чеклашларга эга. Биринчидан, бир қатор кўп компонентли материаллар учун эталон намунасини яратишнинг амалий жиҳатдан имконияти йўқ. Иккинчидан, ҳатто эталон наъмуналарини ҳам ионлар билан бомбардимон қилиш жараёнида ҳар хил атомларнинг концентрацияси чуқурлик бўйича сезиларли ўзгариб боради.

ИИМС сезгирлигини оширишнинг бошқа усули бу – сирт чиқиш ишини кескинлик билан ўзгаришига олиб келадиган атомларни чанглатиш

ёки ионлар имплантацияси йўли билан иккиламчи мусбат ионлар эмиссияси ва ИМИЭни стимуллаштириш усулидир.

Бироқ, стимуллаштиришда иккиламчи мусбат ионлар эмиссияси ва ИМИЭ усуллари қўлланилганда ҳам етарли маълумотларни олиш учун зарур бўлган вақт давомида сиртнинг атом-активаторлар билан қопланиш даражасини сақлаб туриш муаммоси юзага келди ва шу сабабли кенг қўлланилмади. ИИМС қўлланилганда нишон сирти ионлар дастаси билан бомбардимон қилинади ва мос равишда адсорбцияланган қатлам чангиб сиртдан учиб чиқади. Назарий ва экспериментал ишларнинг критик таҳлили асосида диссертациянинг асосий вазифалари ишлаб чиқилди ва белгиланди.

Иккинчи бобда **«Экспериментал қурилма, уни ўлчашларга таёрлаш ва эксперимент ўтказиш усуллари»** келтирилган. Биз МИ-1201Б масс-спектрометри базасида такомиллаштирилган ИИМС қурилмасидан фойдаландик. Такомиллаштирилган ИИМС етарлича катта сезгирлик (10^5-10^6) ва массалар бўйича ажрата олиш қобилиятига эга аналитик қурилмадир. Ушбу қурилма ёрдамида мусбат ҳамда манфий ионлар масс-спектрларини олиш мумкин. Мусбат зарядланган цезий (Cs^+) ионлари, ионлар манбайида CsCl ишқорий-галоид тузининг сиртий ионлашуви йўли билан олинади. Бирламчи ионларнинг энергияси 3-20 кэВ оралиғини ташкил этади. Қурилманинг ионли-оптик системаси ишқорий металларнинг мусбат ва манфий ионлари масс-спектрларини ўрганиш учун ҳам такомиллаштирилди. Ўрганиладиган намуна ионлар замбарагида шакллантирилган ишқорий металларнинг ионлари билан бомбардимон қилинади. Намуна, буғлатгич, намуна қиздиргичи ва термопара тантал пластинкасидан тайёрланган махсус каробкада жойлаштирилган. Нишон сиртидан чанглатилган ионлар тортувчи, фокусловчи, тезлаштирувчи ва оғдирувчи линзалар ёрдамида масс-анализаторга йўналтирилади. ИМИЭ стимуллаштириш усули масс-спектрометрнинг сезгирлигини икки тартибга ошириши ва тадқиқ қилинаётган материал сиртини элементлар яриммиқдорий анализи учун қўллаш имкониятини бериши кўрсатилди.

Учинчи боб **«Ион активаторларни танлаш, ИМИЭ сида тўлиқ спектрни олишда стабил минимал чиқиш ишини олишга имкон берадиган ионларни имплантация қилиш ва қиздиришнинг оптимал шароитларини танлаш»**га бағишланган. Бу ерда Al, Cu, Mo, W, WO_2, Si-Me, Si ва SiO_2 намуналари сиртидан ҳар хил усуллар билан стимуллаштирилган иккиламчи манфий ионлар чиқишининг солиштирма анализи келтирилган.


Ҳар хил металл ва яримўтказгичлар тоза сиртидан ион-ион эмиссияси ўрганилган. Бомбардимон қилинаётган ионларнинг бошланғич энергияси 5-10 кэВ ораликда бошқарилганда элементар ва кимёвий таркиб ионлари токлари 10^{-9}-10^{-10} А/см^2 ни ташкил қилди. Ўрганилаётган намуналарнинг тоза сиртидан мусбат ва манфий зарядланган зарраларнинг масс-спектрлари олинди. Намуна сиртлари эриш температурасигача қиздирилиб тозаланди.

Ишчи камерада босим 10^{-8} Торр ни ташкил қилди. Тадқиқ қилинган барча намуналар учун уларнинг сирти E=6,7 кэВ энергияли цезий ионлари дастаси билан бомбардимон қилинганда ҳосил бўлган мусбат ва манфий зарядланган зарралар масс-спектрлари олинди. Барча масс-спектрлар бир хил экспериментал шароит ва ўлчашнинг бир хил кучайтириш трактида олинди.

Чанглатилган манфий зарядланган зарралар масс-спектрларида ҳар хил элементлар чўққилари миқдори ва интенсивлиги сиртдан мусбат зарядланган ҳолда чангланаётган зарралар масс-спектрларига нисбатан анча юқори эканлигини кўрсатди. Жумладан, Cu нинг ИМИЭ спектрида қўшимча F, K, Ca, As, Zn чўққилари кузатилди. Аниқланган ушбу экспериментал факт мис сиртини бомбардимон қилиш вақтида унинг сиртида цезий атомлари адсорбцияланади, чунки уларнинг ёпишқоқлик коэффиценти бирга яқин. Бу ҳолат сиртнинг чиқиш ишини камайтиришга олиб келади ва ўз навбатида ИМИЭ стимуллаштиради. Бироқ, ИМИЭни ўрганиш давомида биз манфий зарядланган зарралар спектрлари интенсивлиги вақт ўтиши билан стабил ҳолатда бўлмаслигини кузатдик ва ушбу ҳолат ионлар билан бомбардимон қилиш давомида адсорбцияланган атомлар сонининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги аниқланди. Ушбу муаммони бартараф этиш учун тадқиқ қилинадиган намунага олдиндан, масалан 10^{18}-10^{19} атом/см^3 гача ишқорий металлар атомлари имплантация қилиниши кераклиги ва ИМИЭни ўрганиш давомида маълум бир температурагача қиздирилиши, шунда ишқорий металл атомлари билан қопланиш даражаси оптимал ҳолатда сақланиб туриши керак деган ғояни илгари сурдик. Ушбу ҳолат, электронга мойиллиги кичик бўлган, масалан, магнийнинг ИМИЭ спектридаги чўққилари интенсивлигининг максимал бўлишига эришиш билан баҳоланиши керак. Олдиндан имплантация қилинган намуналарда ушбу чегаравий температурани ИМИЭси етарлича вақт давомида максимал ва барқарорлиги орқали аниқлаш мумкин. Ушбу ҳолатда, имплантация қилинган цезий атомларининг намуна сиртида доимий диффузияси ҳисобига адсорбцияланган цезий атомларининг оптимал қопламаси мавжуд бўлиб, бунда чиқиш иши энг кичик ва барқарор ҳолатда бўлади. Ушбу ҳолат, ўз навбатида узлуксиз бомбардимон қилиш ва чангланиш жараёнида адсорбцияланган цезий атомлари билан янгидан қопланиб туришига олиб келади. Бундай ҳолларда, олдиндан имплантация қилинган намуна сирти, яъни, унинг чиқиш иши минимал бўлганда (молибден учун 1,9 эВ) вақт ўтиши давомида стабил бўлган ИМИЭнинг максимал стимуляцияси кузатилади ва шунга мос равишда, бундай сиртдан манфий зарядланган заррачаларнинг чиқиши максималга эришади. Ушбу ҳолатни баҳолаш учун сиртдан чанглатилган ва сочилган нейтрал зарраларни детекторлаш усули қўлланилади. Сиртнинг юқорида кўрсатилган ҳолатида, яъни олдиндан имплантация қилинган ва қиздирилган намуналарда нейтрал зарраларнинг эмиссияси минимумгача камаяди.

Бизнинг кейинги тадқиқотимиз ион турини танлаш, ионларнинг оптимал энергияси ва дозасини аниқлаш, шунингдек, қиздириш температурасини аниқлашга йўналтирилди. Чиқиш ишининг еφ энг катта

камайиши Cs^+ ва Ba^+ ионларидан фойдаланилганда эришилди. 1-расмда ҳар хил энергияда Ba^+ ва Cs^+ ионлари билан Д~$6\cdot10^{16}$ $см^{-2}$ тўйиниш дозасигача легирланган Мо намунаси чиқиш ишининг (еφ) қиздириш температурасига боғлиқлиги келтирилган.




1-расм. $Ba^+(1,1^1)$ ва $Cs^+(2,2^1)$ ионлари 1, 2- E_0=0,5 кэВ; 1^1, 2^1- E_0=5 кэВ энергияларда Д=$6\cdot10^{16}$ $см^{-2}$ дозада имплантация қилинган Мо наъмунаси сирт чиқиш иши ўзгаришининг қиздириш температурасига боғлиқлиги

Ҳар бир температурада қиздириш 30 дақиқа давомида амалга оширилди. Ўлчашлар нишон совутилгандан сўнг амалга оширилди. Кўриб турганимиздек, иссиқлик билан ишлов берилганда ионлар билан легирланган Мо чиқиш ишининг еφ ўзгариши бомбардимон қилувчи ионларнинг энергиясига боғлиқ бўлади. Ионларнинг энергияси кичик бўлганда еφ қиймати Т≈700-800 К га қадар ўзгармайди. Температуранинг кейинги оширишларида Cs^+ ионлари легирланган Мо учун еφ қиймати тезда 3,5-4 эВ гача ошди, Ba^+ ионлари легирланган Мо учун еφ(Т) эгрилиги Т=900-1000 К интервалида энг кичик қийматдан ўтади. Ушбу кўринишдан, Ba^+ ионлари билан легирланган ҳолатида, сиртда қалинлиги d=0,5-1 моноқатламдан ортиқ бўлган қатлам ҳосил бўлади. Т=900-1000 К температураларда қиздирилгандан сўнг сиртдан Ва қисман буғланиши туфайли, қатлам қалинлиги оптимал ҳолатгача камаяди. Т=1100-1600 К оралиғида чиқиш иши ~2 эВ дан ~4 эВ гача ошади. Ионларнинг юқори энергияларида еφ(Т) эгрилиги минимумдан ўтади: Cs^+ учун Т=850-900 К, Ba^+ учун эса Т=1000-1100 К интервалида.

Бироқ ИМИЭ спектрлари таҳлили ионларнинг Е<5 кэВ дан кичик энергияларида ва (Д>10^{16} $см^{-2}$) катта дозаларида намуналарнинг еφ кескин камаяди ва улар анчагина катта ток ва температура юкламаларини кўтара олади, уларнинг сирт соҳаси легирловчи киришмалар билан кучли бойиган ҳолатда бўлади (30-40 ат.% гача).

Ушбу ҳолат сирт қатламларнинг таркиби ва структуравий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади ва баъзи ҳолатларда эса кимёвий бирикмалар ҳосил бўлишига ҳам олиб келади (масалан, кремнийда). Киритилувчи атомларнинг таъсири уларнинг концентрацияси ≤10^{20} $ат\cdot см^{-3}$ дан кичик бўлганда сезиларсиз бўлади. Бундай концентрация фақат E_0>10 кэВ да эришилади. Масалан, Cs^+ ионларини E_0=14-15 кэВ энергияда Мо га

имплантация қилинганда Cs қатлами сирт қатламининг 1-2 ат.% ни ташкил қилади. Ион-легирланган Mo ни қиздириш Cs атомларининг қайта тақсимланишига олиб келади. Чиқиш ишининг еφ минимумгача камайиши кузатиладиган температуралар интервали 850-900 К ни ташкил қилади. 2-расмда ҳар хил энергияли Cs^+ ионлари имплантация қилинган ва T=800 К температурада қиздирилган Mo учун $C_{Cs}(d)$ боғланиш келтирилган. Шуни қайд этиб ўтамизки, ионлар энергияси 20-25 кэВ га ошириш сиртнинг чангланиш интенсивлиги ошиши ва қиздириш температурасининг Cs^+ учун 1000-1100 К, Ba^+ учун эса 1300-1400 К гача ошишига олиб келди. Шу билан бирга, еφ нинг максимал камайиши кузатилмайди. Ионларнинг олдиндан легирлаш энергияси 10-15 кэВ. Чиқиш ишининг энг камайиши ион-имплантация қилинган намунани кислород атмосферасида қиздирганда кузатилди. Cs^+ ионлари имплантация қилинган Mo ни кислород атмосферасида қиздириш еφ нинг 1,65-1,7 эВ гача камайишига олиб келди.




2-расм. Ҳар хил энергияли Cs^+ ионлари билан имплантация қилинган Mo даги Cs нинг чуқурлик бўйича тақсимот профилига T=800 К қиздиришнинг таъсири


3-расмда Cu^- (I_{Cu}) манфий ионлари интенсивлигининг ҳароратга ва чиқиш ишига боғлиқлиги саноат намунаси бўлган Cu учун келтирилган. Кўриниб турганидек, Cu^- интенсивлигининг чўққиси кескин ошиши ҳароратнинг 800-900 К да кузатилди, ушбу ҳолат Cu манфий ионларининг максимал чиқиши билан тушунтирилади. Ҳароратнинг янада оширилиши Cu интенсивлигини камайишига олиб келди, бу юзада Cs атомларининг камайиши билан боғлиқ.

Мисол тариқасида 4-расмда яхши тозаланган, цезий ионлари билан имплантация қилинган ва кейинги қиздириш йўли билан чиқиш иши камайтирилган кремнийнинг ИМИЭ спектри келтирилган. Ушбу спектр таҳлили ўрганилаётган намуна сиртидаги деярли барча элемент атомларини аниқлаш имконини бериши мумкинлиги ҳақида хулосаларни беради.

Хусусий ҳолда, яхши тозаланган Si да Ag, Sr, Fe ларнинг мавжудлиги илгари аниқланмаган.



3-расм. Мис манфий ионлари интенсивлигининг (I_{Cu}) ҳароратга ва чиқиш ишига боғлиқлиги. Спектрлар Cu ни E_0= 6,7 кэВ энергияли Cs^+ ионлари билан бомбардимон қилинганда олинди



4-расм. Чиқиш иши камайтирилган яхши тозаланган кремний ИМИЭ масс-спектри. E_0 = 6,7 кэВ

Биз ИМИЭ сини стимуллаштириш усулини қаттиқ жисм сиртини элементар миқдорий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Бунинг учун, олдин ион имплантацияланган ва сўнгра қиздириш билан чиқиш иши камайтирилган сиртдан чанглатилган манфий зарраларнинг масс-спектрларини олдик. Ушбу масс-спектр ёрдамида асосий элемент чўққиси интенсивлиги ўлчанади, масалан, мис (H_{Cu}) учун, ва барча аниқланган чўққилар ва уларнинг йиғиндисини (H) топиш:

$$H = \sum h_{Cu} + h_{Fe} + h_{Zn} + h_{Si} + h_{Ti} + h_{Mg} + h_{Ca} + \ldots. \qquad (1)$$


Ушбу чўққилар йиғиндиси 100% бирликка келтирилади, берилган шароитда нейтрал зарралар сиртдан эмиссияланмаганлиги ва ўз навбатида бундан бизни қизиқтирган киришмаларнинг (ат.% да) миқдорини топиш мумкин, масалан темир миқдорини (Fe) мис намунасида қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$X_{Fe} = (h_{Fe} / H) \times 100\% \quad (2)$$

Ҳисоблаш натижалари, темирнинг мисдаги коцентрацияси 0.0027 атом %.ни ташкил қилишини кўрсатди.

Тўртинчи бобда «**Al, Cu, W, Mo саноат намуналарининг сирт ва сирт ости қатламларининг элементар ва кимёвий таркибини экспериментал ўрганиш натижалари**» келтирилган.

Цезий ионларини имплантация қилиш ва кейинги қиздириш (Т=900 К гача) билан чиқиш иши камайтирилган (еφ=1,9 эВ) саноат намуналарининг ИМИ спектрлари таҳлили чанглатилган мусбат зарядланган зарралар масс-спектрларида аниқланмайдиган қатор максимумлар мавжудлигини кўрсатди. Мисол сифатида 5-расмда АГМК ва Узкабел заводларида ишлаб чиқарилган, махсус тозаланмаган мис катанкаси масс-спектрлари келтирилган. Бироқ, ўта юқори вакуум олиш, ионлар имплантацияси билан еφ ни минимумга олиб келиш учун намуна 700-800 К температурагача қиздирилди.



5-расм. Энергияси E_0=6.7 кэВ бўлган цезий ионлари билан мис катанкаси сирти чанглатилганда олинган манфий зарралар масс-спектрлари. а) «Узкабел» да, б) АГМК да ишлаб чиқарилган мис катанкаси масс-спектрлари


Шунингдек 3.4 бўлимда келтирилган усул ёрдамида сиртдаги элементларнинг яриммиқдорий таҳлили ўтказилди. 1-жадвалда ОЭС ва ИИМС усулларидан фойдаланиб Cu ва Al нинг тозаланган сиртида аниқланган асосий ва киришма элементлари атомларининг концентрацияси келтирилган. Спектрлар бир хил экспериментал шароитда олинган. Кўриниб турибдики, ОЭС га нисбатан ИИМС нафақат кўп миқдордаги элементларни, шу билан бирга нисбатан аниқроқ миқдорий натижалар олишга имкон беради.

6-расмда яхши тозаланган мис катанкаси учун манфий ионлар масс-спектри келтирилган. Сиртнинг якуний тозаланиши Т=1000 К да амалга оширилди. Кўриниб турибдики H, HO, H_2O, Be, CuO чўққилар деярли йўқ, C ва O чўққилари интенсивлиги эса кескин камайган. Шу билан бирга, сиртда мис коцентрацияси деярли 99,9 ат.% ни ташкил қилади.

1-жадвал.

Яхши тозаланган Cu ва Al намуналари сиртида аниқланган атомларнинг концентрацияси

Усул	Асосий ва киришма элементлари атомларининг концентрацияси, ат.% да								
Cu	Cu	P	S Cl	C Ca	O Fe	Ni Ag	Mn Se	As Pb	Sn Zn
ОЭС	97,1	0,2	0,19 0,018	1,1 0,3	0,482 0,36	0,25			
ВИМС	98,8	0,0019	0,0032 0,1203	0,1262 0,025	0,0512 0,0044	0,0376 0,0292	0,001 0,0015	0,0018 0,0024	0,0275 0,0028
Al	Al	Fe	Zn Ti	Mn Si	Cr Cu	Mg O	C		
ОЭС	99,42	0,330	0,032 0,015	0,030 0,123	0,020	0,030			
ВИМС	99,55	0,063	0,045 0,007	0,005 0,082	0,005 0,010	0,005 0,005	0,012		




6-расм. Яхши тозаланган мис катанкасининг ИМИЭ масс-спектри. E_0=6,7 кэВ

Ҳатто яхши тозаланган мис катанкаси сиртида ўндан ортиқ киришма атомлари мавжуд: Ba, Pd, Si, As, Zn, S, P, O, C, Fe, Ne, Sn, Ag. Ушбу Fe, Ni, Si, Ag ларнинг мис катанкасида мавжуд бўлиши миснинг электр ўтказувчанлигини ёмонлаштириши кўрсатилди. Киришма атомларнинг

чуқурлик бўйича тақсимланиш профили ўрганилди. Қатор киришма атомларининг концентрацияси чуқурлик бўйича бир хил бўлмаслиги, яъни маълум бир қатламда бир киришманинг концентрацияси кўп, бошқасида кам бўлиши аниқланди. Бизнинг фикримизча, мис катанкасидаги киришма элементларининг тақсимланиш профилининг бундай характери мисни олиш технологияси, эриш температураси ва мис катанкасини қайта ишлаш (чўзиш) таъсирида ҳар хил элемент атомларининг ҳаракатчанлигига ҳамда уларнинг мис атомлари билан кимёвий бирикмалар ҳосил қилишга бўлган активлиги билан боғлиқдир. Бундай аналогик натижалар Al нинг саноат намуналари учун ҳам олинди.

Қийин эрувчи металлар саноат намуналари (толалари) электрон техника қурилмаларида, масалан, электровакуумли асбобларда катод сифатида кенг қўлланилади. Ушбу материалларнинг сифати сиртда киришма атомларининг концентрацияси ва уларнинг сирт ости қатламида тақсимланишига боғлиқ бўлади. Тадқиқ қилишдан олдин ушбу намуналар 10^{-9} мм.сим.уст. дан кам бўлмаган вакуум шароитида юқори температураларда қиздириш (W-2800 К, Мо-2500 К температурагача) билан тозаланди. УзКТЖМ вольфрам толаси учун масс-спектр 7-расмда келтирилган.



7-расм. W саноат намунасининг масс-спектри (ОАЖ УзКТЖМ)

Спектрда қуйидаги масса қийматларига эга бўлган бир каррали зарядланган ионлар чўққилари аниқланди: 18(H_2O), 23(Na), 24(Mg), 27(Al), 28(Si, CO, N_2), 39(K), 40(Ar, Ca), 41(K), 52(Cr), 54(Al_2), 56(Fe), 63(Cu), 65(Cu), 68, 73, 75, 77, 81(Al_3), 83, 92(Mo), 94(Mo), 95(Mo), 96(Mo), 97(Mo), 98(Mo), 100(Mo), 182(W), 183(W), 184(W), 186(W), 198-203(WO).

Аммо анализ, яхши газсизлантирилган W сирти юқори тозаликка эга бўлишини кўрсатди. Барча киришма атомлар концентрациялари йиғиндиси 0,5-1 % дан ошмайди. Киришма атомларининг W ва Мо да чуқурлик бўйича тақсимланиш профилини ўрганиш, барча элементлар учун чуқурлик ошиши

билан чўққилар интенсивлигининг камайишини кўрсатди. Элементлар таркиби ~3мкм чуқурликда стабиллашади.

ХУЛОСА

1. Турли табиатли материаллар сиртининг доимий минимал чиқиш иши шароитида элементлар ва кимёвий таркибини тадқиқ қилишга имкон берадиган иккиламчи-ионлар масс-спектрометри такомиллаштирилди. Қаттиқ жисмларнинг сиртости қатламига электромусбат металлар атомларини имплантация қилиш ва кейинги қиздиришга асосланган иккиламчи манфий ионлар эмиссиясини стимуллаштириш усули ишлаб чиқилди.

2. Намунага Cs^+ ионлари киритилгандан кейин, ўрганилаётган намуналарнинг чиқиш иши 1,9 эВ гача камайиши кўрсатиб берилди. Илк бор Cs^+ ионларининг оптимал энергияси 15-20 кэВ, дозаси эса Д~$(1\text{-}5)\cdot10^{16}$ ион$\cdot$см$^{-2}$ интервалда бўлиши аниқланди. Бунда, имплантация қилинган ионларнинг сиртости қатламидаги концентрацияси $\leq10^{19}$ см$^{-3}$ ни ташкил қилиб, бу ушбу қатламнинг элемент таркибига кучли таъсир кўрсатмайди. Ион-имплантация қилинган намуналарни кислород атмосферасида температурали активлаштириш еφ нинг 1,8 эВ гача камайишини кўрсатди.

3. Чиқиш ишининг (еφ) қиймати 1,9÷2 эВ дан камайганда деярли барча асосий ва киришма атомлари манфий ионлари интенсивлиги максимумгача ошиши аниқланди. Бунда юза чиқиш ишининг иккиламчи қиймати чанглатилган атомларнинг ионланиш патенциалидан кичик бўлиб, бу ИИМС сезгирлигини икки марта ошириш имконини беради.

4. Поли- ва монокристалл Cu, Al, W намуналари таркибининг ИИМС усули билан яриммиқдорий таҳлили ўтказилди ва ОЭС натижалари билан таққосланди. Cs^+ ионлари билан стимуллаштирилган мис ва алюмин катанкаларининг манфий зарядланган зарралар масс-спектрларида йигирмадан ортиқ элементларнинг чўққилари аниқланди. ОЖЕ спектрларида эса бор йўғи 8-10 элементлар аниқланди. Бироқ, тўлиқ миқдорий анализ ўтказиш учун, қатор факторларни, хусусий ҳолда, электронга мойиллиги, чангланиш коэффициенти, ионланиш потенциали, атом ўлчами ва б.қ. ларни ҳисобга олиш зарур бўлади.

5. ДАЖ Узкабел ва ОТМК да ишлаб чиқарилган мис ва алюмин катанкаларининг сирт ва сиртости қатлами таркибининг солиштирма анализи ўтказилди. Мис катанкасида Fe, Mg, Sn ва Ag киришмаларининг 0,8–1 мкм чуқурликгача концентрацияси профили бир хил бўлмаган характерга эга бўлиб, бу катанкаларни олиш технологияси ва эриш температураси таъсирида ҳар хил элемент атомларининг харакатчанлигига ва қайта ишлаш (чўзиш), ҳамда уларнинг матрица атомлари билан кимёвий бирикмалар ҳосил қилишга бўлган фаоллиги билан боғлиқлиги аниқланди.

6. Қийин эрувчи W ва Mo саноат металларида, ҳатто юқори температурали тозалашдан сўнг ҳам вакуумда кўп киришма элементлар

атомлари (Na, Al, Si, K, Cr, Fe ва б.қ.) қолиши аниқланди. Киришма атомлар чўққиларининг интенсивлиги сиртни 2,5–3 мкм чуқурликгача емирилиши билан монотон камайиб боради. Кейинчалик уларнинг интенсивликлари деярли ўзгармайди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ИНСТИТУТ ИОННО-ПЛАЗМЕННЫХ И ЛАЗЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

МУХТАРОВ ЗИЯДУЛЛА ЭРГАШЕВИЧ

СТИМУЛИРОВАНИЕ ВТОРИЧНОЙ ОТРИЦАТЕЛЬНОЙ ИОННОЙ ЭМИССИИ МАТЕРИАЛОВ РАЗЛИЧНОЙ ПРИРОДЫ ИМПЛАНТАЦИЕЙ ИОНОВ ЩЕЛОЧНЫХ МЕТАЛЛОВ И НАГРЕВОМ

01.04.04 – Физическая электроника

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.3.PhD/FM277.

Диссертация выполнена в Институте ионно-плазменных и лазерных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.iplt.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Исаханов Зинаобидин Абилпейзович,** доктор физико-математических наук
Официальные оппоненты:	**Ташмухаммедова Дилноза Артикбаевна,** доктор физико-математических наук, профессор
	Максимов Сергей Евлантиевич, кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «____» _____2019г. в ____часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 по присуждению ученых степеней при Институте ионно-плазменных и лазерных технологий АН РУз (адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел./Факс: (99871) 262–32–54, e-mail: info@iplt.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ионно-плазменных и лазерных технологий (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.: (99871) 262–31–69).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2019 года.
(Реестр протокола рассылки ____ от «_____» _____ 2019 года).

Х.Б.Ашуров,
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Д.Т.Усманов,
учёный секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

Б.Е.Умирзаков,
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во всем мире вторичная ионная масс-спектрометрия (ВИМС) широко используется для анализа поверхности и объема материалов различной природы. Известно, что эмиссия нейтральных распыленных частиц с поверхности при ионной бомбардировке на 10^2–10^4 больше, чем эмиссия заряженных распыленных частиц. Поэтому для стимулирования вторичной ионной эмиссии (ВИЭ) и соответственно для увеличения чувствительности метода ВИМС применяются различные способы стимулирования. Для стимулирования вторичной положительной ионной эмиссии (ВПИЭ) на поверхность бомбардируемого твердого тела осаждают электроотрицательные атомы различных элементов, в частности кислорода или йода, а для стимулирования вторично-отрицательной ионной эмиссии (ВОИЭ) осаждают электроположительные атомы различных элементов, в частности атомы щелочных металлов.

В последние годы во многих научных центрах мира особое внимание уделяется использованию указанных выше методов для стимулирования как ВПИЭ, так и ВОИЭ. Однако возникла проблема сохранения степени покрытия поверхности атомами-активаторами на время эксперимента, необходимое для получения достаточных данных. При реализации метода ВИМС поверхность мишени бомбардируется пучком ионов, и часть атомов из адсорбированного слоя распыляется и слетает с поверхности.

В последнее время в Республике Узбекистан активно проводятся научно-исследовательские работы по актуальным проблемам физики поверхности твердых тел, связанным с определением примесного состава и количественного анализа материалов, необходимых для микро- и наноэлектроники. Поэтому в последнее время разработаны методы и приемы непрерывного осаждения на поверхность атомов-активаторов во время бомбардирования ионным пучком. Однако в этом случае проблематично сохранение степени покрытия поверхности различными активаторами, которые обеспечивали бы постоянство работы выхода поверхности. Для этого необходимо устройство для подачи атомов активаторов на поверхность твердого тела на время эксперимента. Кроме того, при применении этого метода необходимо проводить сложные расчеты, позволяющие оценить поток частиц активатора на поверхность твердого тела и их обратный отлет с поверхности при ионной бомбардировке. Эти расчеты выполняются с помощью параметров пучка бомбардирующих ионов и потока активатора, падающего на поверхность. Очевидно, следить за постоянством этих параметров во время проведения эксперимента очень сложно, а зачастую невозможно. Поэтому разработка методики, позволяющей получить минимальную и стабильную работу выхода поверхности исследуемых образцов при снятии масс-спектров отрицательных ионов, является актуальной проблемой современного электронного материаловедения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, предусмотренным в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационная работа выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан – III. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. Исследования по увеличению чувствительности ВИМС методом уменьшения работы выхода поверхности проводятся более 50 лет. Огромный интерес для исследователей в этой области науки представляет изучение элементного состава, структуры и физических свойств материалов. Первые работы по уменьшению работы выхода поверхности (1970–1980) проводились в Институте электроники АН РУз, в лаборатории «Ионного распыления» А.Х. Аюхановым и его учениками. Эту работу продолжили ученые Института электроники под руководством профессоров А.А. Алиева, Н.Х. Джемилева. Зарубежные ученые М. Пруттон, Г. Слодзиан, М.Л. Йу, Бернхеим и др. позволили получить богатую информацию об особенностях этого явления, на основании которой был сделан ряд новых выводов о закономерностях отрицательно-ионного распыления и возможностей его применения. В этих работах для уменьшения работы выхода (еφ) сначала использовали метод осаждения на поверхность атомов электроположительных металлов. Следующим шагом подобных исследований были масс-спектры, полученные при бомбардировке ионами щелочных металлов с таким расчетом, что на поверхности всегда имелся приблизительно один монослой атомов бомбардирующего металла. Для увеличения времени сохранения постоянства минимальной работы выхода в данной работе был использован новый метод стимулирования ВОИЭ, основанный на имплантации ионов щелочных металлов в поверхностный слой твердого тела с последующим его нагревом.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертационная работа. Диссертационная исследования была выполнена по плану научно-исследовательских работ Института ионно-плазменных и лазерных технологий в рамках следующих проектов: № Ф-2-1-64 «Исследование и установление механизма особенностей формирования оже-спектров при

ионной бомбардировке твердых тел» (2003–2007), № ФА-Ф2-Ф102 «Ориентационная зависимость потери энергии ионами и электронами при прохождении их через твердое тело различной модификации» (2007–2011), № Ф2-ФА-Ф161 «Механизмы формирования свободных тонких пленок (Al, Cu, Ag и Me-Si) и наноразмерных гетероструктур, созданных на поверхности кристаллов (W, WO_n, TiN, CdTe, SiO_2) методом ионной имплантации, и изучение их физико-химических свойств» (2012–2016) и № ОТ-Ф3-13. «Механизмы формирования свободных многослойных нанопленочных структур кремний–силицид–металл и изучение их электронной и кристаллической структуры» (2017–2020).

